

2019

AMIR HUSRAF'S LITERARY HERITAGE IN APPLIED ART RITUALS

Feruza Nizamova

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, f.nizamova@iiiau.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau>



Part of the [Classical Literature and Philology Commons](#), and the [Islamic Studies Commons](#)

Recommended Citation

Nizamova, Feruza (2019) "AMIR HUSRAF'S LITERARY HERITAGE IN APPLIED ART RITUALS," *The Light of Islam*: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 16.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2019/iss4/16>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Feruz NIZAMOVA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY
OF UZBEKISTAN, PhD, Senior Lecturer,
Department of Classical Literature and Origins,
A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.
f.nizamova@iiiau.uz

АМИР ХУСРАВ БАДИИЙ МЕРОСИДА БАДИИЯТ АНЪАНАЛАРИ

ПОЭТИЧЕСКИЕ ТРАДИЦИИ В ТВОРЧЕСТВЕ ХОСРОВА ДЕХЛЕВИ

AMIR HUSRAF'S LITERARY HERITAGE IN APPLIED ART RITUALS

Калит сўзлар: форсий адабиёт, тасаввуф, рубоий, бадий тимсол, назм, шоир, жанр, таҳлил, асар, тил.

Ключевые слова: Персидская литература, суфизм, рубаи, образ, поэзия, поэт, жанр, анализ, произведение, язык.

Key words: Persian literature, sufizm, rubai, imige, poetry, poet, genre, analysis, work, language.

Республикада нафақат иқтисодий ва ижтимоий соҳада, балки маданий соҳада ҳам ривожланиш суръатининг тезлашишига қулай шароитлар яратилмоқда. Маънавий баркамолликнинг юзага келишида адабий мероснинг ўрни катта экани шубҳасиз. Жамиятимизда юз бераётган ўзгаришлар тарихимизни, меросимизни чуқурроқ ҳис қилишга ундайди.

Амир Хусрав ижоди халафлари учун бадийят булоғидек гап. Бу булоқни тўла намоён қила оладиган шеърлари – шоирнинг лирикаси, албатта. Бунда у адабий меросдаги бутун бадийят анъаналарини пухта ўзлаштиргани ҳолда уларни такомиллаштирди ва янгидан-янги унутилмас асарлар яратди [12, 17,18]. Ўзи «Нўҳ сипеҳр» асаридаги фахрияларидан бирида айтганидек, «асарларининг серкирралиги ва мукамаллиги жиҳатдан» Саъдий Шерозийдан кўра кўпроқ шуҳрат топди [1; 57 б.].

Шоирнинг рубоийларида муҳаббат туйғусини ифодалашдаги унинг услуби, у қўллаган тасвирий воситаларнинг мутлақо ўзига хослиги кузатилади. Поэтик тасвириларнинг ранг-баранглиги, бадий ифода учун сўз танлаш маҳорати [13, 14, 15, 16] кишини ҳайратга солади. Чунончи, ошиқ бир ерда ўзининг аламдийда нидаларидан, соғинч-изтироблари ила кечган кунларидан сўзлайди:

بی تو دل و چشم من پر از آتش و آب
در بیخ مژه خیمه زد اشکم زر حباب.

ای از غم تو جان و دلی بنده خراب
تا به هر خیال تو بود منزل خواب

[25; 389 б.]

Мазмуни:

Эй, гамингда жону дилим хароб бўлган (ёр),
Сенсиз дилу кўзим оташ билан сувда қолди.
Сенинг турли хаёлинг уйкуга манзил,
Кўз ёшим кипригим остида чодир қурган зар
кўпик.

Ошиқнинг дилига «оташ»ни, кўзига муносиб «об» (ёшни) мувофиқ келадиган сўзлардан танлаб олган. Ухлаш жойи учун «ёш томчисидан гумбаз» ҳам ниҳоятда оригинал танланган. Шуни ҳам айтиш керакки, бундай рубоийларни бемалол ҳам суфиёна, ҳам мажозий (воқеийлик) нуқтаи назаридан талқин қилиш мумкин. Унда ошиқнинг ҳижрондаги ҳолати қисқа, аммо тўла қамраб олингандек тасаввур уйғотади. Қуйида бир неча санъат орқали рубоийларни таҳлил қилиб кўрамиз:

Ирсоли масал – мақол келтириш санъати. Амир Хусрав рубоийларида, мақолларни ўз ҳолида келтириш билан бир қаторда, кўп ҳолларда, уларнинг ўзгартириб ва ўзлаштириб юборилган шакллари ҳам учратамиз:

نننازکی چون از لب خندان ریزد
در قالب لطف صورت جان ریزد
گر فی المثل از نمک نمکدان ریزد
همتای تو ناید اگر از آب حیات

[24; 408 б.]

Мазмуни:

«Тузликни туздан қуйиб ясайдилар» деган мақол бор,

Найнинг мулойим (садоси) хандон лабдан қуйилган каби.

Сенга тенг келолмас, гарчи оби ҳаётдан –

Лутфнинг қолипига солиб, жон шаклин қуйса.

Бу бизнинг мақоллар орасида «қозонда бори чўмичга чиқади» деган халқ дурдонаси билан мувофиқ келади. Аммо бу ифода воситаси, кўпинча, «қозон»даги «нарс»дан кўнгил тўлмагани ҳолда, қаноат изҳори сифатида ишлатилиб келади. Бу ерда эса гап, аксинча, ёқимли жойдан таралган ёқимли садо ҳақида бормоқда.

Рубоийларда ўзлаштириб ишлатилган мақоллардан ташқари, оз бўлса-да, ўзгаришсиз, шундоқкина, яхлит ҳолда киритилган халқ дурдоналари ҳам учраб туради [2, 3, 10]. Улар рубоийнинг мазмунига сингиб кетиши билан бирга, унинг оҳангига мувофиқ бир уйғунлик ҳосил қилган:

با قد تو وصف سرو بستى گویند
اخر نه که «راستی و رُستی» گویند.

Мақолада Амир Хусрав Дехлавийнинг рубоий жанридаги улкан меросини ўрганишга ҳаракат қилинган. Мақоланинг мақсади шоир асарларидаги мафкуравий ва бадиий усулни ўрганиш, шоирнинг рубоий жанридаги маҳоратини аниқлаш, шунингдек унинг рубоийларини таҳлил қилиш орқали форс-тожик адабиёти тарихида унинг асарлари ўрнини аниқлашдан иборатдир. У ислом оламидаги форс ва тожик тилларида ижод қилувчи шоирларнинг асарларига кучли таъсир кўрсатгани илмий ҳақиқатдир. Шоирнинг асарларига, шу жумладан унинг рубоийларига кизиқиш ўрта асрларда мустақил мактаб ярага олганлиги билан боғлиқ. Амир Хусрав Дехлавий ўз даврида форс адабиётининг барча жанрларида ижод қилган. У рубоий ёзиш соҳасида камдан-кам учрайдиган файласуфдир. Шоирнинг барча асарлари Худо, коинот, инсоният, ҳаёт, ер, севги каби фалсафий фикрлар билан тўлаллиги ва асарларидаги сўзларнинг мукамал танлангани туфайли ноёб меросга айланди. Бу доирадаги улкан ютуқлар шоирнинг рубоийларига ҳам тегишлидир. Унинг рубоийларида шеърининг ҳар қайси соҳасига тегишли романтик мавзу асосий омил ҳисобланса-да, ижтимоий ва фалсафий фикр доирасида ҳам кенг тарқалди. У ҳар қандай мавзунинг шеърлари орқали етказиб бера оладиган истеъдод соҳиблиги билан инсонларни ҳайратда қолдиради. Мақоладаги айтиб ўтилган фикрлар шоир яшаб, ижод этган адабий муҳит ва унинг асарларининг Шарқ адабиёти ривожига ўрни ва аҳамиятини очиб беришга қаратилган.

В статье предпринята попытка кратко изучить огромное наследие Амира Хусрава Дехлави в жанре рубаи. Целью статьи является изучение идейно-художественной системы произведений поэта, выявление мастерства поэта в жанре рубаи, а также определение роли его произведений в истории персидско-таджикской литературы посредством анализа его рубаи. Это научный факт, что он оказал глубокое влияние на произведения других поэтов Исламского региона, которые впоследствии писали на персидском и тюркском языках. Интерес к творчеству поэта, в том числе к его рубаи, связан с тем, что поэт может создать самостоятельную школу в Средние века.

Амир Хусрав писал во всех жанрах персидской литературы своего времени. Он также редко встречающийся философ в области письма рубаи. Все произведения поэта полны философским мышлением о Боге, Вселенной, человеке, жизни, земле, любви и стали уникальным наследием благодаря совершенному выбору слов в его произведениях. Больших достижений в этой сфере также принадлежат поэту рубаи. Хотя тема, характерная для всех видов поэзии, романтика - является доминирующим фактором его творчества, а область социально-философской мысли также обширна. Он поражает людей тем, что является мастером таланта, который своими стихами способен передать любую тему. Очевидно, что идеи, выраженные в статье, направлены на определение литературной среды, в которой жил и работал поэт, их значения для творчества поэта и роли в развитии восточной литературы.

In the article Amir Khusrav Dekhlavi's huge heritage in the ruba'i genre is tried to study briefly. The aim of the article is to study the ideological and artistic system of the poet's works, to identify the poet's skills in the ruba'i genre, and also to define the role of his writings in the history of Persian-Tajik literature through analyzing his ruba'is. It is a scientific fact that he has profoundly influenced the other poets' works in the Islamic region who wrote in Persian and Turkic afterwards. The interest to the poet's writings, including his ruba'is, is related to the fact that the poet can create an independent school in the Middle Ages.

Amir Khusrav wrote in all the genres of Persian literature in his time. He is also a rarely found philosopher in the field of ruba'i writing. The poet's entire works are full of philosophical thoughts about the God, the universe, the human being, the life, the earth, the love, and has become a unique heritage due to the perfect choice of words in his works. The great accomplishments in this sphere are also appertain to the poet's ruba'is. Although the subject of romance, which is characteristic of all types of poetry, is a dominant factor of his ruba'is, the area of social and philosophical thought is also extensive. He impresses people by the fact that he is a master of talent, who is capable of delivering any theme by his poems. It is evident that the ideas expressed in the article are aimed at determining the literary environment that poet lived and worked, their importance for the poet's works and their role in the development of Oriental Literature.

انجا كه سخن ز بت پرستی گویند
من از قد راستت چرا می نرهم

[20; 45 б.]

Мазмуни:

Бутпарастликдан гап очилган он,

(Гап) қаддинг билан сарвнинг бўй-бастидан кетар.

Аدل қоматингдан нега мен озодлик топмайин,
«Куч ҳақиқатдадир» дейдилар-ку, ахир.

Бу ерда «рост – тик» ва «рост – тўғри сўз» маъноларидан сўз ўйини ҳосил қилингани ҳолда, маъно «рости-ю растий» («*тўғри бўлсанг, қутулсан*») деган халқ нақлига бориб тақалади ва бу нақл шоир илгари сураётган ғоянинг исботи тарзида келтирилади.

Истиора. Амир Хусрав рубоийларининг аксар сўзлари ҳақиқий маънода эмас, мажозий маъноси қўлланилган. Яъни, рубоийлар истиораларга жуда бой: ёрга мурожаат тарзида – “дили ман”, “эй гули насринам” истиораларини қўллайди. Кўриниб турибдики, ушбу сўзлар ўз маъносида қўлланилаётгани йўқ, балки маъшуқа (инсон) маъносида ишлатилипти:

بر چهره ز خون دل نشان کرد و برفت
از دیده من شب بمیان کرد و بروت
باز این دل من ز من کران کرد و برفت
وان خواب که يك شب نشدی دور ز چشم

[24; 311 б.]

Мазмуни:

Яна бу дилим мендан узоқлашди-ю кетди,
Чехрамда дил қонидан нишон қилди-ю кетди.
Кўзимдан бирор кеча узоқ кетмаган уйқуни –
Кўзимдан тунда йўқ қилди-ю кетди.

Муболаға. Маънавий санъатлар орасида энг кўп тарқалган муболаганинг вазифаси рубоийларда ўзгачадир. Ҳажм жиҳатдан чекланган имкониётларга эга бўлган бу жанр муболагага эҳтиёжни кўпроқ сезгандек, Амир Хусрав рубоийларида ундан кенг фойдаланган [4, 6, 7]. Рубоийларда келтирилган бадий тимсоллар ҳаракати ёки ҳолатини бўрттириб, кучайтириб ифодалаш ҳоллари, ўз навбатида, бошқа кўпгина бадий санъатларни ҳосил қилиш имконини берган.

و افسانه درد من ز دفتر بگذشت
جانا دستی که ایم از سر بگذشت
در هجر توام ناله ز اختر بگذشت
در گریه مرا عمر سراسر بگذشت

[25; 2276 б.]

Мазмуни:

Сенинг ҳажрингда нолам юлдузлардан ошиб кетди,

Менинг дардим афсонаси дostonдан ошиб кетди.

Менинг умрим бошдан охир йиғлаган ҳолда ўтди,

Жоно, кимга ишим тушса, ҳаддидан ошиб кетди.

Ошиқнинг маъшуқа ҳажрида чеккан оҳу нолалари осмону фалакларга кўтариб тасвирланган. Бўрттирилган тасвир натижасида ошиқнинг ички олами, изтироблари, дил дарди таъсирчан, жозибали тасвирланган. Булар орасида фақат дил дардининг ўзи алоҳида китоб бўларли даражадагина эмас, балки ундан ортиқ. Бундай муболағали тасвирни ўқиган китобхон буларни ибтидоий маъносида эмас, ошиқдаги кечинмаларнинг ҳадди аълосини ифодаловчи бадий тасвир сифатида тушунади.

Ружуъ. Олдинги мисра ёки байтдаги ифодаланган фикрдан қайтгандек бўлиб, кейинги мисра ёки байтда ундан кучлироқ ифода келтириш йўли билан ҳосил қилинган бадий санъатлар ҳам кўп учрайди. Бундай санъат кўпроқ ташбих ва истиоралар орқали яратилган:

هم از تو دگر نگشت خوی دل من
ای مایه عمر و آرزوی دل من.
خون رفت بجور تو درون دل من
در آرزوی تو صرف شد مایه عمر

[25; 220 б.]

Мазмуни:

Жабрингдан юрак-бағрим қонга тўлди,
Ҳам сен туфайли дилимнинг феъли бошқача бўлмади.

Сенинг орзуйинг билан тугади умр жавҳари,
Эй умрим жавҳари-ю, дилимнинг орзуси!

Иккинчи байтни ўзбекча қилиб, «Эй, дилимнинг орзуси-ю умримнинг мақсад-мазмуни, сенинг орзуйингда умримнинг асоси адо бўлди», деб тушуниш керак. Аммо форсийда учинчи мисрада ўзининг асл маъносида келтирилган «моёи умр» («умр жавҳари») сўзи тўртинчи мисрада *истиора* тарзида қайта такрорланиб, *ружуъ* санъатини ҳосил қилмоқда.

Такрир. Бу санъатда бир сўзни такрор қўллаш йўли билан сўз маъносини ва унинг моҳиятини таъкидлаб кўрсатишга эришилади:

هر چند که نور تو جهان افروز است
آن روز که روزه رفت عید آن روز است
ای روزه ز تو درونها در سوز است
گویند مرا که عید کی هد بود

[24; 390 б.]

Мазмуни:

Эй рўза, сен туфайли ичимиз «ёняпти»

Нуринг жаҳонни қанчалар мунаввар этса ҳам.

Менга дейдилар: «Ҳайит қачон бўлади?»

Рўза тугаган қуни ҳайит бўлган қун.

Бу рубоийда «он рўза» (ўша қун) сўзини бир мисрада иккинчи марта такрор қўллаш орқали *такрир* санъати ҳосил қилинган. Ушбу мисолда ийҳом санъати ҳам мавжуд. Биринчи маъноси: «рўза тугаган қуни ҳайит бошланади». Иккинчи маъноси: «қаердаки рўза бўлмаса, ўша ерда ҳайит деявер». Бу ерда «рўза бирафт» ибораси икки маънода келиб, «рўза тугаса» ва «рўза бўлмаса» маъноларини англатади.

Тамсил. Илгари сурилайётган фикр-ғояни шубҳа қолдирмайдиган даражада далиллаш учун ҳаётий бир хулосани мисол келтириш ҳоллари мумтоз шеърятимизнинг кўрки бўлиб келган ва тамсил санъати деган ном олган. Бунга Амир Хусрав рубоийлари орасида ҳам кўплаб мисоллар топишимиз мумкин:

لعلش همه با ماه سخن میگوید
گوئی که از چاه سخن میگوید
چون آن بت دلخواه سخن می گوید
افتاده دلم در ز نخش می نالد

[20; 464 б.]

Мазмуни:

Ўшал кўнгилга ёқимли санам сўз сўзлаганда,
Лаъли (лаби) ой билан сўзлашади.

Энгак (чукур)ига тушган дилим нола қилади–
Гўё қудуқдан туриб сўзлар сўзлайди.

Бу рубоийда бут (санам), лаъл (лаб), ой (чехра) – *истиора*; дилнинг ноласи – *ташхис*. Қолаверса, шарқ шеърлятида маҳбубанинг занахи (бақбақа чуқурчаси) ошиқ учун зиндонга *ташбиҳ* қилинади. Дилнинг ноласини қудуққа (ўша занах чуқурчасига) тушиб кетган кишининг овозига қиёсланиши *тамсил* санъатини ҳосил қилган.

Тансиқ ус-сифот. Тасвирланаётган шахс ёки нарсага хос бир неча белгининг кетма-кет уланиб келиши бадий тасвир объектини атрофлича, бир неча жиҳатлари билан гавдалантиришга имкон яратади. Бундай бадий ифода, одатда, лирик қаҳрамоннинг сифати ёки ҳаракатининг сифати (равиш) бўлиши мумкин. Мисоллар:

شیرین و سبید و صافی آمد چو نبات
گوی نکه کفی آمده است بر آب حیات
ساعده که ز سیم دارد آن حورسفات
بین آن کف دست و پشت دست روشن

[25; 2096 б.]

Мазмуни:

Билаклари кумуш каби, ул хур сифат,
Ширину оппоғу тозадир гўё новвот.

Қўлининг кафти-ю орти мунавварлигига қара,
Гўё бир ҳовуч оби ҳаёт устидаги кўпикдек.

Бу ўринда маъшуканинг сифатларидан *тансиқ ус-сифот* санъати ҳосил қилинган бўлса, қуйидаги мисраларда унинг ҳаракатлари сифати жам бўлиб келган:

در سلك بتان ديگران دُر خوشاب
می رفت خرامان و خوش و مست و خراب

[25; 217 б.]

Мазмуни:

«Бошқа санамлар сафида у ўз гўзаллиги билан шодадаги кимматбаҳо дурдек алоҳида ажралиб,
Солланиб, гўзалу масту сархуш ҳолда кетиб борар эди».

Қуйидаги сифатлар кетма-кетлиги ҳатто бир пайтнинг ўзида икки мисрани қамраб олади. Қизиғи шундаки, бу сифатларни маъшуқа айтади, ошиқ бу гаплардан такрор фойдаланиб, маъшуканинг ўзига қайтаради:

بر حکم تو سر نهادم و گردن هم
ای ظالم و گبر و نامسلمان من هم
دل در سر سودای تو کردم تن هم
گفتی که وفا نداری و بد عهدی

[21; 315 б.]

Мазмуни:

Сенинг савдойингга дилим фидо, таним ҳам,
Хукмингга бошим фидо, гарданам ҳам.

Дединг: «Бевафосан, аҳди ёлғонсан,

Золимсан, оташпарастсан, номусулмонсан»,
(дедим) мен ҳам.

Бу рубоийда фикрнинг ифодасида бениҳоя ихчамликка эришилган. Рубоийда мисралар сони чекланган бўлса-да, шоир шу ҳажм доирасида ҳам кўп янгиликлар яратиш имконияти мавжуд эканини намойиш этди.

Ташбиҳ. Ташбиҳ энг қадимий ва кўп тарқалган бадий тасвир воситаси ҳисобланади. Хилма-хил кўринишларга эга бўлган ташбиҳ санъатини ҳар бир шоир шеърларида бўлганидек, Амир Хусрав рубоийларида ҳам турли хил кўринишларини кўплаб учратишимиз мумкин:

گلرا بسوی شاخ دل آویزان شد
نرگس بغنودن افتاد و خزان شد
بلبل به سحر چون غزل انگیزان شد
از بس که نسیم صبح خوش خوش بوزید

[25; 391 б.]

Мазмуни:

Тонг чоғида ғазал тўқиган булбул,
Гул шохига осилган юракка ўхшайди.

Субҳ насими ёқимли эсгани учун

Наргис унга маҳлиё бўлиб, хазондек тўкилди.

Бу хилдаги янги ташбиҳлар Амир Хусравнинг илк рубоийларида ҳам мавжуд:

صد بیضه انبرین در آن موی ضم است
چون خربوزه دنداننش درون شکم است.
هر موی که بزلف سیاه آن صنم است
چون تیری بدان راست دلش را زیراک

Қовун уруғининг тишга ўхшатилиши ҳам ўзига хос ташбиҳдир. Шоир ташбиҳ танлашда унинг антикалигига алоҳида эътибор билан қараган.

Ташхис. Инсондан бошқа, жонли ва жонсиз нарсаларга инсон хусусиятларини кўчириб, ҳосил қилинган бадий санъатлар шоир рубоийларида жуда кўп учрайди. Бунда ташхис, баъзан, инток, нидо санъатлари билан бирга келиш ҳоллари кўп кузатилади. Шоир ижодий мақсадини амалга оширишда нарса, тушунча ва ҳодисалардан унумли фойдалангани учун унинг рубоийларида инток санъатининг ҳосил бўлиш ҳолларини кўплаб кузатиш мумкин. Қуйидаги рубоийда Ой инсондаги маҳлиё бўлиш ва каклик эса тақлид қилиш хусусиятини касб этади:

ماهی گذرد شبی گرفتار ترا
تکرار همیکند رفتار ترا
چان بنده شود خنده و گفتار ترا
دانی که بکوه گشتن کوبان چیست؟

[24; 316 б.]

Мазмуни:

Жон сенинг сўзлашинг ва табассумингга қул бўлсин,

Ой тунда сенга махлиё бўлиб ўтади.
Какликларнинг тоғда кезишининг нима эканини биласанми?

У сенинг рафторингга тақлид қилади.

Куйидаги мисолда ташхис интоқ санъати билан биргаликда келгани ҳолати кузатилади. Унда гул ўзининг жафокаш, ҳамдам ва ҳамнафаси борлигидан инсон каби мамнуният ҳисси билан тасвирланади. У гўё инсонлардек бошқаларнинг ўзи ҳақидаги нотўғри фикрларидан хижолат чекади:

همدست جفاى خویش بر سر دارم
پندارد هر کس که مگر زر دارم
گل گفت: «اگرچه خار بستر دارم
رو شسته همی زیم در سایهء ابر

[20; 475 б.]

Мазмуни:

Гул дермиш: «Гарчи тўшагим тикандан бўлса-да,

Бошимда жафойим ҳамдами бордир.

Юз ювиб яшайман булут остида,

Ҳамма мени зарга бой деб ўйлайди».

Шоир бу хилда, яъни гул, ҳажр, ғам, гунча, узум каби жонли-жонсиз нарса ва тушунчаларга инсонга хос хусусиятларни тақиб, анчагина шеърлар ёзган. Уларга инсоннинг гапириш, маст бўлиш, йиғлаш, томошо қилиш хусусиятлари кўчириб ўтказилган. Аммо, шу билан бирга, тасвир объектининг шеърда илгари сурилган ғоя билан мувофиқ келувчи хусусиятлари сақлаб қолинган.

Ҳусни таълил. Тасвирланаётган бирон ҳодисага шоирона гўзал бир сабаб кўрсатиш йўли билан ҳосил қилинадиган бу бадиий санъат намуналари ҳам Амир Хусрав рубоийларида кўп учрайди. Куйида шоир шундай бир тимсолий ифода яратган:

بنمای لب و بگو که مرحم این است
نادیده ترا همی رود غم این است
اینک دل من ببتو در هم اینست
غم نیست که جان رود ز نادیدن تو

[24; 446 б.]

Мазмуни:

Энди дилим сенсиз қолди, ёмони шу,

Лабингни кўрсату айт, марҳами шу.

Сени кўрмасликдан жон чиқса, ғам йўқ,

Ғам шундаки, у сени кўрмайин кетади.

Бу ўринда иккинчи байтнинг биринчи мисрадаги «ғам йўқ»лигига зид мазмунда ғам ҳосил бўлиб қолгани иккинчи мисрада ўз ифодасини топган. Бунга сабаб кўрсатиш «ёрни кўрмайин кетгани» орқали юзага келтирилмоқда.

Сабаб кўрсатиш санъатининг куйидаги намунасида «ёрнинг ихтиёрини қўлга олиш»ни мақсад қилиб, ўрнига «ўз ихтиёридан ажраб қолиш» саба-

бини маҳбубанинг «оразини кўриш» қилиб кўрсатилган:

دل نیز همان زمانم از دست بشد
رویت دیدم عنانم از دست بشد
دی ز آمدن تو جانم از دست بشد
از دست تو چون عنان تو بگرفتم

[22; 318 б.]

Мазмуни:

Кеча келганинг кўриб, жонимдан айрилдим,

Ўша заҳотиёқ дилимдан ҳам айрилдим.

Кўлингдан ихтиёрингни олмоқчи бўлдим,

Оразинг кўрдиму ихтиёримдан айрилдим.

Шоир рубоийларида ҳусни таълил санъати ҳаётий ва табиий ҳодисаларга асосланган ҳолда ҳосил қилинади.

Тажнис. Шеърятда шаклан бир хил ёки бир-бирига яқин икки сўз келтирилиб, фикрни таъсирчан ифодалаш санъати, айниқса, рубоийлар бадииятини кучайтиради:

شاید که دلش بجای خود را ماند

خود گو که دل چگونه بر جا ماند

گفتی که فلان ز ما چو تنها ماند

زین گونه که خون دل روانست از چشم

[25; 214а б.]

Мазмуни:

Дединг: «Фалончи бизсиз ёлғиз қолганида,

Кўнгли хотиржамлиги уни тарк этадиганга ўхшайди.

Дил қони кўзлардан оққани каби,

Ўзинг айт-чи, кўнгли қандай қилиб ўрнига тушсин?!»

Бу ерда «монад» сўзи биринчи мисрада – ёлғиз қолса; иккинчи мисрада – тарк этса, тўртинчи мисрада – «қўйсин» маъноларида келяпти. Бу ерда «монад» сўзи – тажниси томни ҳосил қилмоқда.

Ийҳом. Икки хил талқин қилиш мумкин бўлган мисралар шаклида яратилган рубоийларга ийҳом санъати асос бўлган. Бу санъатни ҳосил қилиш шоирдан алоҳида маҳорат талаб қилади. Бундай шеърлар атайин икки хил маъно юқини кўтара оладиган қилиб яратилади. Куйидаги мисолга диққат қилайлик:

خوش بوی تراز باد بهاران میرفت

تر می شد و در میان باران میرفت.

دی دلبر من میان باران میرفت

در آب روان چو مردم دیده من

[20; 403 б.]

Мазмуни:

Кеча дилбарим ёмғирда кетиб борарди,

Баҳор нафасидан ҳам хушбўйроқ бўлиб борарди.

Оқар сувда, гўё кўзимнинг қорасидек,
Хўл бўлиб, ёмғир оралаб борарди.

Ёмғирда кетиб бораётган гўзалга интиқиб термулиб турган ошиқ манзарасини кўз олдингизга келтиринг. Учинчи ва тўртинчи мисра «Оқар сувда (шаррос ёмғирда) кўзимнинг қароси (қорачиғи) хўл бўлиб, ёмғир орасида қолиб кетди» маъноси билдирса, бошқача талкинда «Оқар сувда (кўз ёшида), кўзимнинг қорасида (яъни, кўз қорачиғидаги тасвир ҳолида) ёш қалқиган кўзда хўл бўлиб, ёш ёмғири оралаб кетиб борарди», деган фикр ифодаланган.

Баъзида яратилган оддий бир манзарада сўзларга мумтоз адабиётдаги адабий-бадий аъналарга кўра маъно берилса, ийҳом санъатини пайқаб олиш мумкин:

برداشت پياله نرگس از رعناي
ای خال بروی او چه بر میهای
شد مجلس دوستان بصد زیبای
گر غنچه کم سخن نمیگوید هیچ

[21; 317a]

Мазмуни:

Дўстлар мажлиси юзлаб гўзаллар билан ўтади,
Наргис раъноликдан пиёла кўтарди.

Гар камгап ғунча сукут сақласа,

Эй хол, унинг юзидан нима истайсан?

Дўстлар мажлис қурган. Улар кимлар? Наргис, ғунча, хол. Буни, шунчаки, *ташхис* санъати га йўйиш ҳам мумкин. Аммо, бу ерда мажлис давраси – гўзал киз чехраси, дўстлар эса, чехра аъзолари – кўз, лаб ва хол – (наргис, ғунча, хол). Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятлари билан намоён бўлган: кўзлар мастона, лаблар жим, хол эса маломатда. Ошиқ бу «мажлис»да чехрани холдан ҳам рашк этади. Бундай талқинлар ва ийҳом лафзий санъатини пайқаш ҳам маълум тайёргарликни тақозо этади, албатта. Амир Хусрав рубойлари орасида улардан биз пайқаганимизнинг ўзи анчагина борлиги шоир ижоди бу борада халафлари учун маҳорат мактаби бўлиб келганини билдиради.

Таносуб. Икки хил гуруҳга хос тушунчалар ўртасидаги муносабатлар хилма-хиллиги шеърий санъатлар ранг-баранглигига хизмат қилади. Қуйидаги рубойнинг биринчи мисрасида «фитна» билан «хаёлинг», иккинчи мисрасида «хуноба» билан «холинг» муносабатга киришмоқда:

چشم همه خونابه ز خالت دارد
بر ما حق دیدن جمالت دارد
جانم همه فتنه از خیالت دارد
مارا غم دیده نیست از گریه و لیک

[25; 229 б.]

Мазмуни:

Жоним, ҳамма фитна хаёлингдандир,

Кўзимнинг хунобаси холингдандир,

Биз кўзимизга қайғурмаймиз йиғлапти деб,

Аммо, жамолинг кўришга бизнинг ҳаққимиз бор.

Таносуб Амир Хусрав рубойларида *хусни таълил, жам, тақсим, тамсил, ташбиҳ, талмиҳ* санъатлари учун ҳам замин бўлиб хизмат қилган ўринлар талайгина бор.

Саволу жавоб. Рубойлардан бир қисмида бадийликка савол-жавоб санъатидан фойдаланган ҳолда эришилган. Бу санъат орқали икки шахс, кўпинча, ошиқ ва маъшуқа ўртасида суҳбат юзага келади, ҳар икки томон айтмоқчи бўлган гапларини айтиб олиш имконияти яратилади. Саволу жавоб одатда бир-икки мисрага жо бўлади:

میر یخت ز دیده لو لوی عمانی
گفتا که مرا ز گریه میترسانی؟
دی میدیدم بیار خود پنهانی
گفتم که نترسی آخر از گریه من

[25; 224 б.]

Мазмуни:

Кеча ёрим билан пинҳон кўришдим,

Кўзимдан юм-юм ёшлар тўкардим.

Дедим: «кўрқма, ахир, менинг йиғимдан»,

Деди: «мени йиғлаб кўрқитасанми?»

Саволу жавоб санъати қўлланилган рубойларда жавоб жуда пухта ишланган бўлади. У мантиққа асосланган, жуда топиб айтилган фикр бўлиши шарт. Натижада икки томоннинг ўзаро муносабати орқали шоирнинг илгари сурилаётган фикрга муносабати ҳам яхши очилади. Шоир бунга қуйидагича эришади:

Рубойларда кўпинча, дастлабки байтда ўқувчи ҳолат, вазият ёки манзара билан қисман таништирилади. Кейинги байт эса, савол-жавоб воситасида уни тўлдириб, яхлит ҳолга келтиради, асосий ғоя тарзида очилади. Савол-жавоб санъатидан шеъриятда кенг фойдаланиб келинган. У бошқа жанрларда асарнинг маълум бир қисмини ташкил этса, рубойда тўлиқ шу усул қамровида бўладиган шакллар учрайди. Бундай рубойлар диалогга айланади ва бошқа ҳеч қандай тушунтиришларга ўрин қолдирмайди. Амир Хусрав рубойларида бу шеърий санъат жуда кенг қўлланилган:

گفتم: «لب تو» گفت: «دوا بتوان گفت»
گفتم: «نيكو» گفت: «که تا بتوان گفت».
گفتم: «رخ تو» گفت: «بلا نتوان گفت»
گفتم: «سخنت» گفت که: «چه توان گفتن»

[25; 206 б.]

Мазмуни:

«Юзинг» десам, «Айтиб бўлмас бало», деди,
«Лабинг» десам, «Даво десанг раво», деди.
«Сўзинг» десам, «нима ҳам дейман», деди,
«Гўзал» десам, «Айтганингча айт», деди.

Демак, Амир Хусрав Деҳлавий бадиий та-
свир воситаларидан унумли фойдаланган. Унинг
машхур «мўъжиз баёнлик» соҳасида эришган
юксак поэтик маҳорати рубоийларда ҳам намоён
бўлади. Шоир ижодида бадиий тасвир воситалари-
ни ҳар сафар ўзига хос ихтиролар билан бойитиб
борган. Яъни, шоир ҳар бир муайян ҳолатда анъ-
анавий тасвир кетидан кишини ҳайратга солувчи
шахсий ташаббусини ҳам намоён қилади. Бунинг
натижасида шеърини мисралар чинакамига хусрав-
на бўлиб чиқади. Шунинг учун ҳам Амир Хусрав
рубоийларида бетакрор бадиий санъатлар жуда
кўп.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Aliyev G.Yu. «Persoyazichnaya literatura Indii». – M., 1968. – S. 49-65.
2. Baqoev M. Hayot va ejodiyoti Xusravi Dehlaviy. – Dushanbe: Donish, 1975. – 280 b.
3. Baqoev M. Hayot va ejodiyoti Xusravi Dehlaviy. – Dushanbe: Donish, 1975.
4. Dehlaviy Amir Xusrav. Osori muntaxab. Dar chor jild, jildi chahorum. G'azaliyot, qasoid, muqatta'ot va ruboiyot. – Dushanbe: Irfon, 1975. – 896 b.
5. Dexlevi Amir Xisrov. Chetverostishie. G' Per. VI. Derjavin. – V kn.: «Izbrannoe chetverostishiya persedsko-tadjikskix poetov-klassikov». – Dushanbe, 1965. – B. 177–178.
6. Deplaviy Amir Xusrav. Muntaxabot. – Stalinobod: Nashriyoti davlati Tojikiston, 1960. – 623 b.
7. Imomnazarov M. Iz opita sostavleniya slovarya yazika Amira Xosrava //Amir Xosrav Dexlavi. – T., 1978. – B. 42–56.
8. Imomnazarov M. Opit sostavleniya slovarya yazika Amira Xosrava//Amir Xosrav Dexlavi. – T., 1975. – B. 124–138.
9. Kozmoyan A.K. Rubai v klassicheskoy poezii na farsii. – Erevan: izd-vo AN Armyanskoy SSR, 1981. – 111 s.
10. Munirov Q. Amir Xisrav Dehlaviy qo'lyozma asarlari katalogi – T.: Fan, 1975. – 32 b.
11. NIZAMOVA F. The history of studying Khusrav Dekhlavi's work //The Light of Islam. – 2019. – T. 2019. – №. 2. – С. 95-99.
12. Ochilov E. Ruboiy tarjimasida shakl va mazmun birligi: Filol. fanlari nomzodi diss. avtoref. – Toshkent, 1994. – 23 b.
13. RUSTAMIY S. “ESASU-L-BELAGA” VE “DİVAN-U LUGAT-İT-TÜRK” ESERLERİNİN DİL BİLİMİ VE BELAGAT BİLİMİYLE İLGİLİ YÖNLERİ //Turkish Studies. – Ankara, – 2016. – T. 11. – №. 20. – S. 503-522.
14. Rustamiy S. ART OF WORD AND ARTISTRY OF ARABIC PROVERBS// The Science Advanced Journal. – 2014. – №. 8. – Torrance (USA). – Pp. 36-40.
15. Rustamiy S. Mutabaqa как лексическое средство выразительности// Мир науки, культуры, образования. – Горно-Алтайск, – 2016. №1 (56). – С. 313-315.
16. Rustamiy S. TYPOLOGICAL PECULIARTIES OF SCIENCE OF BALAGHAN, RHETORIC AND STYLISTICS //The Light of Islam. – T., – 2018. – №. 1. – С. 16.
17. Shomuhamedov Sh. Jahonni maftun etgan adabiyot. – T.: ToshDShI, 2000. – 140 b.
18. Shomuhamedov Sh., Musaev B. Amir Xusrav Dehlaviy. – T.: Fan, 1971. 7-b.
19. «شجره طبقات مشايخ. احمد کشمیری. O'zR FASHI, 1426 raqamli q'lyozma.
20. «ديوان خسرو دهلوی» – O'zR FASHI, 2220 инв. raqamli qo'lyozma.
21. «ديوان خسرو دهلوی» – O'zR FASHI, 7070 инв. raqamli qo'lyozma.
22. «ديوان خسرو» – O'zR FASHI, 9677 инв. raqamli qo'lyozma.
23. «ديوانچه خسرو دهلوی» – O'zR FASHI, 11272-I инв. raqamli qo'lyozma.
24. «ديوان خسرو» – O'zR FASHI, 965 inv. raqamli qo'lyozma.
25. «کليات امير خسرو» – O'zR FASHI, 178 inv. raqamli qo'lyozma.

